

---

## Ёшлар сиёсати амалда: Фарғонада йигит-қизлар бандлигини таъминлаш муҳим вазифага айланган

Ёшлар сиёсати амалда: Фарғонада йигит-қизлар бандлигини таъминлаш муҳим вазифага айланган

Риштон туманида “Ёшлар дафтари” рўйхати шакллантирилганда жами 3882 нафар ёшлар унга киритилган эди. Жорий йилнинг шу даври мобайнида 3339 нафар ёшлар кўрсатилган кўмак ва ғамхўрлик орқали бугун ушбу рўйхатдан чиқарилди.

Худудларда ёшларга 10 сотихдан 20 сотихгача ер ажратилиб, уларга деҳқончилик орқали даромадга эга бўлиш имконияти яратилди.

Хусусан, туманнинг “Қайрағоч” МФЙ ҳудудида ҳам йигит-қизлар полиз ва сабзавот экинларини парваришлаб, хосилидан даромад олишни бошладилар. - Мен “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турар эдим. 10 сотих ер беришди. Қалампир экдим. Ҳосил жуда яхши бўлди. 8-9 миллион сўм даромадни режа қилганмиз, - дейди Мусажон Дадабоев.

Шунингдек, туманда субсидия асосида 149 нафар ёшга меҳнат қуроллари берилди. Тикув машинасини олган Рўзихон Наимжонова ҳам нафақат ўзи даромадга эга бўлмоқда, балки маҳалла ёшларига ҳам тикувчилик сир-асрорларини ўргатишга киришган.

Туманда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб, ҳайдовчи сифатида фаолият юритиш истагида бўлган ёшларга ҳам кўмак кўрсатилмоқда. Яъни “Ватанпарвар” ташкилотининг ўқув спорт техника клубида 23 нафар ёшларнинг ўқуви ташкил этилди. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси учун ўқув харажатларининг 50 фоизи тўлаб берилди.

Умуман олганда, Фарғона вилоятида йигит-қизлар бандлигини таъминлашда бир қатор яхши натижаларга эришилмоқда. “Ёшлар дафтари” ва бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобига 1543 нафар ёшларга субсидия маблағлари, 4743 нафар ёшларга эса жами 104,3 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Вилоятда умумий ер майдони 170,2 гектарга тенг 23 та “Ёшлар кичик саноат зоналари”да ҳам кўплаб ёшлар бандлиги таъминланмоқда. Саноат зоналарига 529 та лойиҳалар жойлаштирилган бўлиб, 10 823 та янги иш ўринларини яратилиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда бугун ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи Фарғонада муҳим вазифага айланган!

2021-08-05 21:47:52